301198

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 6 ноябрь жума

Сотувда эркин нархда

№ 220 (2001)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 ноябрь куни АҚШ Давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмони қутлар экан, ушбу ташриф нафақат АҚШ ҳукуматининг Янги Мустақил Давлатлар билан алоқалар бўйича расмий вакили, балки икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-АҚШ қўшма комиссияси ҳамраисининг ҳам ташрифи эканини таъкидлади.

— Шу йил 26-27 февраль кунлари мазкур комиссиянинг илк йиғилиши бўлиб ўтди,— деди Президент.— У ижобий натижалар билан якунланиб, кўплаб соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишувларга эришилгани ҳамда бу борада қўшма лойиҳалар қабул қилингани давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар равнақи учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро алоқалар ривожига алоҳида эътибор қаратаётганимизни шундан ҳам билиш мумкинки, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қўшма комиссия йиғилиши доирасида ва бошқа учрашувларда эришилган келишувларни ҳаётга тадбиқ этишни жадаллаштириш ва рағбатлантиришга қаратилган махсус ҳужжат ҳам қабул қилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-АҚШ муносабатларида сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам муҳим ўрин тутаётганини, бу муносабатларнинг ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ривожланаётгани икки мамлакатнинг кўплаб халқаро муаммолар бўйича яқин ва ўхшаш нуқтаи назар эканлигида намоён бўлаётганини қайд этди.

С. Сестанович қабул учун миннатдорлик билдирди. Ўзи ҳамраислик қилаётган қўшма комиссия фаолияти икки томонлама муносабатлар ривожига ҳисса қўшаётганидан мамнуният изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Ҳ. Турсунов иштирок этди.

Қабулда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

АҚШ давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Вазир Абдулазиз Комилов билан бўлиб ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда минтақавий сиёсатнинг муҳим масалалари мулоқотнинг асосий мавзуи бўлди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж. Пресел иштирок этди.

Шу куни С.Сестанович Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан аэропортда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди ва сафар натижалари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Музокараларимиз узоқ давом этди. Лекин ҳамма масалани ҳам муҳокама қилиб улгурдик, дейиш қийин. Чунки бизнинг ўзаро муносабатларимиз кўпгина соҳаларда ривожланиб бормоқда. Биз минтақавий хавфсизлик масалаларини, жумладан, "олти плюс икки" гуруҳи доирасида Афғонистондаги вазиятни, Марказий Осиё батальони доирасидаги ҳарбий ҳамкорлигимизни, дунёнинг кўплаб минтақаларида рўй бераётган иқтисодий инқирозлар ва уларнинг таъсир қўламлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдик. Барча масалаларда ҳам қизиқарли ва фойдали фикр алмашувлар бўлди. Бинобарин, ташрифимиз ва ўтказилган музокаралар ғоят самарали кечди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Б. Олимжоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

И. О. Бобожоновни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ислом Олимович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 5 ноябрь куни республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан кенгаш бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Олий Мажлис Кенгаши яқинда қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Кенгашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўладиган сайловларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Журналистлар олдида сўзга чиққан Олий Мажлис депутатлари Ўмон Олимжонов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шуҳрат Жалилов, Олий Мажлис котибиятининг масъул ходимлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини маҳаллий органларга аста-секин бериш жиҳатидан бўлажак сайловларнинг аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловолди талбирлари ва сайловларни ўтказиш чоғида қонун ҳужжатларига риоя этиш зарурлиги хусусидаги тавсияларни ҳам тингладилар. Журналистларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари бўлажак сайловида аҳолининг фаол иштирок этишининг, жойларда амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишнинг аҳамиятини кенг тушунтириб бориш тавсия этилди. Шу муносабат билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида фуқаролар йиғинларининг ишини мунтазам ёритиб бориш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққан қатнашчилар якдиллик билан шуни таъкидладиларки, республика ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаган ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифаси биринчи галдаги вазифалар сирасига киритилган бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳоли ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган одамларни сайлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кенгашда сайлов компаниясини оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида ва кенг ёритиб бориш, бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда матбуот, телевидение ва радионинг ролини ошириш юзасидан бир қанча таклифлар билдирилди.

МУНОСАБАТ

ТИББИЁТДА ИСЛОҲОТ ЗАРУР

"Шу йилнинг 3 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бўлиб ўтган мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат Дастури илоҳаси муҳокамасига бағишланган кенгашда ушбу соҳани ривожлантириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар, таклифлар илгари сурилди. Республикамиз тиббиёт тизими самарадорлигини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасидаги келгуси вазифалар белгилаб берилди. Ўз навбатида, кенгашда муҳокама этилган масалалар мамлакатимиз тиббиёт ходимлари томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохона бош врачи Муродин Холматович ҚОДИРОВ ана шу кенгашдан олган таассуротлари, шахсий фикр-мулоҳазалари ҳақида қуйидагича гапириб берди:

— Очиғи, кенгашда иштирок этарканман, муҳтарам Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасини ниҳоятда чуқур билиши, унинг серқирра жиҳатларини бирмабир очиб берганлиги менда катта таассурот қолдирди. Йиғилишда ушбу соҳанинг қадрини тиклашга оид жуда кўп фикр-мулоҳазалар айтилди. Яшириб нима қилдик, узоқ вақтлар давомида тиббиёт қолоқ соҳалардан бири саналиб келинарди. Эндиликда мазкур тизимда ҳам туб сифат ўзгаришлари юз бера бошлади.

Юртбошимизнинг кенгашда соҳа вакиллари билан самимий ва дилдан мулоқот қилиши бутун мамлакатимиз тиббиёти ходимларига кўрсатилаётган юксак эътибор натижасидир, деб ўйлайман. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга киритилган давлат Дастурини қабул қилишдан асосий мақсад, аввало, миллатимиз генофондини яхшилаш, аҳолининг ўртача умр кўришини узайтиришдан иборатдир. Табиийки, одамлар ўз соғлиқлари ҳақида ўзлари ўйламасалар, бу борада бирор-бир арзигулик натижага эришиш мушкул. Демак, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишимиз, гўдакларни боғча ва мактаблардаёқ ана шунга ўргатишимиз зарур.

Дастурда республикамиз тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар 1999-2005 йиллар давомида босқичма-босқич тарзда амалга оширилиши мўлжалланган. Бунинг учун биринчи навбатда 1998-2000 йилларда керакли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Энг асосийси, бизда давлат томонидан кафолатланган юқори малакали бепул тиббий хизмат сақлаб қолинади. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча шифохоналарда 10-20 фоиз бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, давлат сектори бўлмиш ихтисусий шифохона ва поликлиникалар ҳам пайдо бўлади. Бу билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам давлат ва нодавлат сектори ўртасида ҳақиқий рақобат юзага келади. Рақобат бўлгач, тажрибали, қўли енгил ҳамда истеъдодли ёш мутахассисларнинг ўз салоҳиятларини тўла намоён қилишлари учун катта имкониятлар юзага келиши табиий. Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро рақобат тараққиётнинг энг муҳим омили эканлигини назарда тутсак, ушбу усулнинг афзалликлари нечоғли юқори бўлиши ойдинлашади.

Дастурда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига ҳам устувор аҳамият берилади. Зотан, мустақил мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига жуда катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Шунингдек, тиббиётда бирламчи звено саналадиган поликлиника хизматининг мавқеи янада ошади. Чунки келажакда 80 фоиз беморлар бевосита поликлиникаларда юқори малакали тиббий хизмат олишлари назарда тутилган. Тиббиётда ҳам марказлашган тизимдан бир қадар узоқлашамиз, бошқарув тизимини тартибга солиш ҳам кўзда тутилган. Энг муҳими, Дастурда белгиланган вазифалар амалга оширилгач, мазкур соҳада мавжуд бўлган кўпчилик муаммолар ўз-ўзидан ечимини топади.

Бизнинг шифохонамиз 2000 йилга бориб, республикамизда биринчилар қатори ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тизимига ўтиши мўлжалланган. Бунинг учун тайёргарлик ишлари бошланган. Омади гапни айтганда, биз келажакда рақобат майдонида ўз ўрнимизни топиш мақсадида, аҳоли ўртасида тезроқ обрў-эътибор қозонишимиз зарур. Шуни эътиборга олган ҳолда палаталарни бир-икки кишилик бемор ўринларига мослаштириб, керакли асбоб-ускуналар ва ашёлар билан жиҳозлаяпмиз, ходимларимизнинг касб маҳоратларини юксалтиришга асосий эътибор қаратяпмиз. Умуман айтганда, шифохонамизда беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тобора ошириб боришга интилаяпмиз. Зеро, ҳозирги ислоҳотлар жараёни ҳар бир шифо масканларидан ана шуларни талаб этади.

Кенгашда шифохоналар учун юқори малакали ҳамширалар тайёрлаш масаласига ҳам Президентимиз алоҳида аҳамият қаратди. Насиб этса, яқин келажакда тиббиёт институтларида юқори малакали, олий тоифадаги ҳамширалар етиштириб берила бошланади. Токи, бир нафар врачга олти нафар билимдон, тажрибали ҳамшира тўғри келиши керак. Чунки беморларнинг тезроқ соғайишида «нажот маликалари» катта роль ўйнайди. Боиси, улар шифохонада беморлар билан узоқ вақт бирга бўладилар, кези келганда, уларнинг дардларига ҳатто ширин сўзлари, самимий муносабатлари билан ҳам малҳам бўлишади. Шахсан ўзим бу масалага алоҳида эътибор бериб, ҳамширалар билан мунтазам бирга ишлайман. Шифохонамиздаги ҳамширалар кенгашига ҳам ўзим раҳбарлик қиламан. Боиси, қайсики бош шифокор ушбу масалага етарлича аҳамият бермас экан, унинг тузукроқ ютуққа эриша олмаслигини узоқ йиллик тажрибамдан яхши биламан.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастурида шошилинч ва тез ёрдамга муҳтож беморлар учун алоҳида шифохона ташкил этилиши ҳам мўлжалланган. Шу мақсадда махсус тез ёрдам институти ҳам очилиб, ушбу борада илмий изланишлар олиб борилади. Бу эса келажакда жуда катта самаралар бериши, шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, мазкур Дастур мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди. Соҳа тараққиётига ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан шу қадар катта эътибор берилаётган экан, биз ана шу ғамхўрликни чуқур ҳис этган ҳолда, бутун куч-ғайратимизни ишга солишимиз керак.

Суҳбатдош: Ғофур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Сурхондарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйилишининг олдини олишга доир Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Ж. Норалиев олиб борди.

Сўзга чиққанлар ким ўзарга, хўжакўрсинга ўтказилаётган тўйлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганини, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир ўтказаётганини таъкидладилар. Миллий урф-одатларимизга мутлақо ёт бўлган бундай дабдабабозликларга барҳам бериш учун қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари, "Нуроний" ва "Камолот" жамғармалари биргаликда иш олиб боришлари, Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ч. ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

ЭКСПОРТ – АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда экспортёр вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, уюшмалар, корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишида экспорт фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, "Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича маҳсулот (иш, хизмат) экспорт қилишнинг аҳволи ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида кўрсатилган биринчи галдаги вазифаларни амалга ошириш ҳақида" ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев маъруза қилди. У давом этаётган жаҳон иқтисодий инқирозининг Осиё мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кучли таъсир кўрсатаётганига ва қатор хомашё маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархи тушиб бораётганига қарамасдан, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсир қилмаётганини таъкидлади. Бунга МДҲ ва хорижий мамлакатлар билан экспортимизнинг изчил мувофиқлаштириб борилаётгани эвазияга эришилаётир. АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия сингари мамлакатлар билан товар айирбошлаш ҳажми ўсмоқда. Маҳсулот турларининг кўпайиши ҳисобига экспорт ҳажми кенгаймоқда. Бунда автомобил, электрон саноати маҳсулотлари салмоқли ўрин тутади ва бу анъанани ривожлантириб бориш зарур.

Вазир қайд этганидек, бугун экспортни кенгайтириш мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг бош вазифасидир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу нафақат иқтисодий, балки энг аввало умумдавлат сиёсатидир. Шундагина том маънодаги иқтисодий мустақилликка эришамиз.

Айни пайтда республика корхоналарининг экспорт дастурини бажаришни таъминлаш бўйича 9 ойлик фаолияти натижаларининг таҳлили йўл қўйилган оқсашларни бартараф этишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар зарурлигини кўрсатди. Экспортга мўлжалланган товарлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш бу соҳага янги ишлаб чиқарувчиларни жалб этиш, янги бозорларга чиқишни таъминлайдиган қатъий нарх сиёсати юритиш ана шу чора-тадбирлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Гофуров "1998 йил тўртинчи чорагида экспорт режаларининг бажарилиши 1999 йил экспорт режаларини шакллантириш" бўйича муфассал ахборот берди.

Йиғилганларга чет элда экспорт ҳажмини кенгайтиришга кўмаклашувчи дистрибьютер корхоналарини ташкил этиш тажрибаси тўғрисида "Ўзавтосаноат" уюшмаси раиси Қ.Парпиев атрофлича сўзлаб берди. Уюшма қисқа муддат ичида хорижда маркетинг фаолияти ва унинг негизида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобил экспортини ташкил этувчи бутун бошли ихтисослаштирилган фирма тармоқларини ташкил этди. Бундай тажрибани қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги матбуот хизматининг маълумотига кўра, ҳайъат йиғилишида экспорт сиёсати стратегиясини амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Қонун лойиҳалари муҳокамада

ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой Кодекси» лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани айни муддао бўлди. Негаки, уй-жой ҳақидаги амалдаги қонунлар давр ўтиши билан бирмунча эскириб қолганди. Натижада маҳаллий ҳокимиятлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва фуқаролар ўртасида бу борада бир қатор тушунмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқаётганди.

Энди кодекс лойиҳасининг айрим қисмлари ҳақида мулоҳазаларимни билдириб ўтсам. 61-модданинг 2-бандида «Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондига қарашли уйда яшаётган фуқаролар агар мазкур уй-жой фондидан уларга уй-жой берилишига сабаб бўлган асослар ўз кучини йўқотса, суд томонидан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб эътироф этилишлари мумкин», дейилган. Шу бандаги «уларга уй-жой берилишига сабаб бўлган асослар ўз кучини йўқотса» деган жумладан сўнг «ёки фуқаро уй-жой ҳужжатини ғаразли мақсадда сохталаштирса» деган жумлани қўшиб қўйишни таклиф қиламан. Бу кишиларнинг қонун олдидаги масъулиятини янада орттирган бўларди.

Шунингдек, 94-моддада «уй-жойни арендага берувчи шартнома тузилган пайтдаги аниқланган ва аниқланмаган муҳандислик носозликлари учун жавобгар» дейилади. Шу жумладаги «аниқланмаган» деган сўзни олиб ташлаш керак, деб ҳисоблайман. Сабаби арендага берувчи аниқланмаган носозликларни олдиндан билиши ва унга жавобгар бўлиши эҳтимолдан узоқ ҳодисадир.

Т. ХОЛИҚОВ, Ш. Рашидов тумани.

«ОБУНА-99»

ЯҚИН СУҲБАТДОШ

Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиш, албатта, Сиз, озод замондошимиз туфайлидир. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Яъни Сизнинг манфаатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилади.

«Халқ сўзи» халқники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Элимиз дастурхонининг тўкинлиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчимаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак воқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита чамбарчас кечади, албатта.

Ҳаётнинг ўзига яраша янгиликлари, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу беғубор, сокин тонг нафаси, кайфияти заминни тарк этмай туриб, тафсилотлар эшигини очган «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чархлайсиз. Маънавий чанқоқлик ҳовури босилади. Бу ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган давлат, Шу давлатдан бебаҳра қолишни истамаган юртдошларимизга эса нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:

Нашр кўрсаткичи:

якка газетхондар учун	166
ташкилотлар учун	167

Обуна нархи:	1 ойга		6 ойга		йиллик	
	П/қ:	манзил	П/қ:	манзил	П/қ:	манзил
- якка шаҳслар учун	287	335	1.772	2.010	3.444	4.020
- ташкилотлар учун	963	1.170	5.778	7.020	11.556	14.040

ЭЪТИҚОД

Инсонни енгиб бўлмайди, дейишади. Тўғри. Агар у иродали бўлса ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. Бир нарсага кучли эътиқод қўйган инсонлардагина Ирода етилади. Эътиқод ички бутунликдир. Ирода йўловчи бўлса, эътиқод унинг кўзи. Эътиқодсиз одамда Ирода бўлмайди, десак хато қилмаймиз. Агар мен ўз манзилимни танлаб олган бўлсам, борар манзилимга эътиқод қўйган бўлсам ва шу туйғу менга тинчлик бермаётган экан, қаршимда йўлиққан барча офату қулфатларни янчиб ўтишимга куч топа олар эканман, демакки, Иродали одамман... Эътиқод дарахтнинг ўқ илдизи. Ирода қўёшга қараб интилиб ўсаётган шохлари, қалин ва бақувват танаси унинг... Халқ деб, миллат деб, Ватан деб жаллод кундасига бош қўйиш, ёғий ўқига кўксини тутиб беришни, аввало, шу улуғ тушунчаларга эътиқоди мустаҳкам одамлар эплайдилар. Ва, бундай одамларни биз иродалилар деймиз. Хулоса шуки, қарашлари бир, интилишлари бир инсонларни Эътиқод бирлаштиради.

Бугун миллат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиш даври. Йўлдан тойиш — ютқазиш. Чалғиш — ютқазиш. Истиқлолни асраш, авайлаш биз учун ҳаётимизнинг мазмуни бўлиши керак. Озодликдан сўнг, қисқа вақт ичида уйлаганимиздан (ҳатто дўсту душманларимиз уйлаганидан-да) каттароқ зафарларни қўлга киритдик. Бу ҳукумат раҳбарияти олиб бораётган сиёсат оқилиги, Президентимиз кўзлаган мақсаднинг мазмун-моҳияти жиҳатидан инсонпарварлиги, ҳақлиги. Раҳбарми у, оддий ишчими у, Ватан мустақиллиги учун ўз эътиқоди учун собит турмоқликнинг синов палласи ҳозир. Мен зўрман деган, ичига дарз кетмаган, шу Ватанга, шу халққа керагим бор, менсиз катта-катта ишларнинг амалга ошуви мумкин эмас, дейдиганлар замони ҳозир. Ўзини сева билган, оиласини қадрлаган, иззат-нафсонияти юксак, ҳай, мен ўзбек бўлиб дунёга ўзимни танитмасам ҳаётга нима учун келдим, дейдиганларнинг даври ҳозир. Оллоҳга шукур, шу кунлар ёзилган экан қисматимизда. Титилиб, тўзғиб кетади, қарамликдан қутулиб, ўзини эплай олармиди Ўзбекистон, дегувчи айрим «каромат»гўйлар бўёғи нима бўлар экан, деб истеҳзо билан бизни кузатиб турдилар. Шоир айтмоқчи, ўз умри қолиб бизнинг изимизни пойлагувчилар кўпайиб қолди. Лекин улар бу халқнинг, унинг Йўлбошчиси эътиқоди мустаҳкам, иродаси, чидамли ва бардошли, эканлигини англамасдилар. Англай оломасдилар ҳам. Демократия деб ҳаводан гап-сўз ясаб, ваъзхонликка берилиб, бетга чопарлик қилиб, қуруқ аравани уёқ-буёққа олиб чопишдан кўра шарқона интизом, ботартиблик билан ўз ишига машғул бўлган ўзбекистонликлар ўз келажагига ишонардилар. Бу ишонч озодлик йўлида Президент атрофида бирлашган миллионлаб кишиларнинг қалбини боғлаган Эътиқод риштаси туфайли мустаҳкам эди. Афғонистондаги вазият, қирғин-баротларни кўриб турардик биз. Тожикистондаги бирodaркушлик урушдан хулоса чиқарар эдик биз. Демократияни пеш қилиб бир-биримиз билан ёқавайрон бўлмасдик. Бир-биримизни телеэкран дуэлига чақириб, устимиздан сув сепмасдик. Хатти-ҳаракатимиз ҳам кўнглимиз каби осуда эди. Бироқ бу осудалик, мудроқлик, лоқайдлик белгиси эмас эди, аксинча, сабру қаноат билан иш юритдик. Тўғри, денгиз сатҳи сокин кўринади. Чунки у денгиз. Бироқ унинг ботинига нигоҳ ташлай билсангиз жуда кўп сирлар, синоатларни сезасиз. Исён ҳам, ғалаён ҳам бор денгиз тубида. Ҳаёт бор чунки. Буларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо денгиз характери ўлароқ ичидаги тўс-тўполонни яшириб, жимирлаб, гўзал ва фарахбахш кўринади. Бўрон забтига олган кезда денгиз ўзининг денгиз эканлигини кўрсатиб қўяди. Бизнинг халқимиз ҳам шундай. Ичидагини жиловлай билади. То бир қўзғалса, ўша қўзғалишга мажбур қилишса, бу ёғи, денгизнинг шаштини кўрасиз халқимизда.

Ўзбек ҳеч қачон уйидаги гапни кўчага олиб чиқмайди. Ор билади. Оиладаги гап-сўзни хонадоннинг ўзида ҳал қилади. Яъни, оилани асраш, номусни ерга топтамаслик эътиқоди шу. Бундай бўлгандан сўнг, оилани улуғлай бўлганидан сўнг, она — остонани иззат қилгандан сўнг, оилани қадрлагандан сўнг Юртни ҳам эъзозлайди-да. Мана, биз қандай туйғудан озиқланамиз. Мана, бизнинг ўзанимиз қаерда. Мана, бизнинг зўр халқмиз дейишимизга асос қаерда. Илм-фан бобида осмону ерни бирга қўшиб талқин қилган бизмиз. Исломият оламида имон нури билан дилимизни нурафшон этиб, унинг шукуҳини оламларга ёйган халқ ҳам биз. Дунёни уйғотган халқнинг бугун уйғоқ туриши, ўз қисматини ўзи ҳал қилишига одатий ҳол деб қараш кифоя.

Яқинда бобомиз Аҳмад ал-Фарғоний юбилей тўйини ўтказдик. Президентимиз шу улуғ айём муносабати билан Фарғонага бордилар. Халқни кўрсангиз эди. Юрт отасига нисбатан ҳурмат-эҳтиром кишиларнинг юз-кўзида сезилиб турди. Тинчлик, ором-ором кунлар, бунёдкорлик, яратувчанлик учун Йўлбошчига нисбатан Халқ ўз қалбидаги меҳрни қуёшдай порлаб ифода этди. Агар ЎзТВ орқали кузатган бўлсангиз, онажонларимиз Юртбоши ҳузурига кўзларида ёш билан пешвоз чиқишди. Отам деб алқадилар, болам деб алқадилар, Яратгандан умр сўрашди юртнинг асл ўғлонига.

Халқ катта куч. Тўлқин. Унинг олқишини олган одам омондир. Юртбоши бугун шундай олқишга сазовор. Миллат ўзининг чин қаҳрамонларини, ботир ва жасоратли, халқ бахти йўлида жонини беришга тайёр ўғлонларини шу каби ардоқлайди. Ботирларини шоншарафга кўмган, уни бошида тутган, эъзозлаган халқнинг йўли узун, қисмати чароғон. Тарихдан маълум-ку, доимо одиллар, фозиллар, халқпарвар йўлбошчилар эҳтиромга бурканганлар.

Тасаввур қилинг: бундан ўн йил олдин юртимизда жаҳон билан бўйлашиш, цивилизация бобида ҳамкорлик қилиш қизил қор ёққан билан баробар эди. Энди жаҳон бизга томонга юз бураяпти. Бу ҳол истиқлолдан сўнг яққол сезилди. Тарихи улуғ юрт билан жаҳон энди ўйлашиброқ гаплашяпти. Бугун ҳар соҳада илдам ўсаяпмиз. Тараққий этаяпмиз. Америкага самолётда учаётган ўзбек ишбилармони Атлантика океани устида туриб уяли телефон орқали гимназия партасида ўтирган ўғли билан гаплашаяпти. Ўғил отасига оқ йўл тилаяпти. Бу одатий ҳолга айланаяти. Ёхуд учинчи синф ўқувчиси инглиз тилида бурро гаплашиб ақлимизни шоширib қўяяпти. Фарзандимиз гимназияда тўққизинчи синфни тугатиб АҚШда ўқишни битказиб диплом билан қайтаяпти океан ортидан. Нафис санъат лицейи ўқувчиси Алпомиш достонини ёддан билади. У достонни айтаётиб, кўзлари чақнайди. Шижоат сочилади вужудидан. Ғайрат билан, тафаккур билан дунёни оламан деган шашти бор. Ўзбек талабаси шахмат бўйича Осиё чемпиони бўлди. Ўзбек ўғлони ойга учди. Мана сизга шоншуҳрат. Мана сизга довруқ. Куни кеча она тилимиз байрами муносабати билан, эндигина мактабни тугатган Банкмолия кредити коллежи талабалари Ҳазрат Навоийдан тортиб то ёш шоирларнинг тил ҳақидаги шеърларини завққа тўлиб ўқишди. Бу улуғ уйғониш аломати. Чекка вилоятлардаги чекка туманлар мактабларига ҳам компьютер кириб борди. Қишлоқларимиз кўчаларида «Нексия», «Тико», «Дамас»лар гизиллаб юрадиган бўлди. Бу ҳеч кимнинг ҳайратини оширимайди. Кўзларимиз кўникди. Кўшработнинг қайси бир адирида ёхуд Олтинсойнинг қайси бир қирида сурув ҳайдаётган чўпон отамиз ўтовига Германияда таълим олаётган ўғли ё қизидан мактуб келиши ҳам одатий ҳодиса бўлиб қолди. Ай, шу болалар шу қирларда улғайди. Отасининг ёрдамчиси бўлди... Маънавиятимизнинг соф булоқларидан қониб-қониб сув ичди... Бугун эса Европанинг гуркираган шаҳарларида билим ўрганаяптилар. Бу нима? Бу шу элнинг илмга бўлган эътиқоди. Эътиқоди сўнмаган халқ гуллайди. Ҳа, зўр Халқ гуллайди.

Ўзбек ерга эътиқод қўйган. Заминга бош эгади. Ўзбекни Оллоҳдан барака тилаб очилган қўлига ризқ ёғилади. Унинг кўли теккан жой чаман-чаман бўлади, бўлиқ-бўлиқ дон бўлади, ларзон-ларзон мева боғлаган боғ бўлади. Ўзбек бобо кетмон урган ер гулистон бўлади. Ва, шундан-да ўзбекнинг қадди тик, кўнгли тоғ бўлади.

Бизнинг бир қарич еримизда бир туп ток кўчати кўкаради. Ток вайиш қилинади... Сояси бир ҳовлини олади... Ғуж-ғуж узум солади. Худо бераман деса, ҳар бир бош узум челакни тўлдиради. Бир қаричгина ерда униб чиққан, бутун вайшини қоплаган ток ҳосили бир оилани боқади. Мана, еримизнинг хосияти. Бир гап эсга тушди: Самарқандниг Иштихон туманидаги Катта Қанли қишлоғида яшовчи Ўктам ота Кўчқоровнинг олти ўғли бор. Улар уйли-жойли. Олтитаси ҳам ота билан ёнма-ён тарзда уй қуришган. Улар отанинг томорқасида экилган бир туп токдан узум ейишади. Чунки ота эшигида кўкарган ток новдалари бир қаторда қурилган олти ҳовлига ўтиб кетган. Ҳар бир ўғил фарзандлари билан биргаликда ўз уйида туриб ота ўтқазган токдан баҳраманд бўлишади. Бағри кенг, меҳрибоқибатли ўзбекнинг ери ҳам саховатли. Ёхуд бир қулоч ерни олган ёнғоқ дарахтининг бир шохи бир қоп ҳосил беради. Шу ёнғоқ даромади катта бир оиланинг бир томонини кўтаради. Ерга ишлаган, тер тўккан бандасининг ризқини оллоҳ зиёда қилади. Яшнатган яшнайди. Заминга Эътиқод заминдан осмон қадар юксалган инсонларнинг дилида бўлади.

ЎзТВда бир кўрсатув кўрдим. Телеочерк. Замондошларимиз ҳақида. Профессионал нуқтаи назаридан қараганда мукаммал тарзда тайёрланган ушбу кўрсатувда истиқлол туфайли халқнинг асл фидойилари чексиз имкониятларга эга бўлишганини сезиш мумкин. Юртимизнинг жануб вилоятида оддий инсонлар томонидан амалга ошарилаётган ишларнинг таърифига сўз йўқ. Телетасвирда Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарёга ташрифи чоғидаги лавҳа кўрсатилди. Юртбошимиз Термиз шаҳрида қад ростлаган ҳашаматли бозор ичида халқ билан учрашиб турибди. Шунда у киши ёнидаги қотмадан келган, ўктам, боқишлари беозор одамга самимият ва кўтаринки кайфият билан қараб шундай дедилар: **«Бундай одамларни қанча ҳурмат қилсак оз. Мен сиз ҳақингизда илиқ гапларни эшитиб юрардим. Мана бугун ўз кўзим билан кўриб турибман. Сурхондарёдаги мақтовга лойиқ ишларда сизнинг катта хизматингиз бор».** Бу илиқ гаплар Олий Мажлис депутати Қурбон Амирқуловга қарата айтилди.

Жасорат. Қаҳрамонлик. Шижоат. Меҳнат. Кимки бу тушунчаларни юрагида жо этиб элу халққа керакман, юртга керакман деса, ўтаётган ҳар бир кунда қандайдир эзгу иш қилишим керак деса, албатта замоннинг фидойи кишисига айланади. Фидойи ҳамюртларимиз дил осмонида эътиқод қуёши порлайди. Бу Истиқлолга, Озодликка нисбатан юксак Эътиқоддир.

Халқимиз тиним билмайди. Дастурхони бут бўлса бас. Осмонимиз тинч ва мусаффо бўлса кифоя. Яратиш, яшнатиш ишини элнинг ўзи эплайди.

Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмагани каби айримлар, аниқроғи, баъзи бир мансабдорлар ўз манфаати йўлида нопок ишларга қўл ураётгани сир эмас. Давлатнинг «ГАЗ-31»и ёхуд «Нексия»си орқасида ўтирволиб, маишатма-маишат изғиб, ўзим хон, кўланкам майдон дегувчи бундай кимсаларнинг замони ўтди. Юзидан чакиллаб ёғ томган, дўмбиллаган «ака»ларимиз шира босган кўзларини каттароқ очишса яхши бўларди. Фидойи инсонлардан ажралиб қолган бу тахлит манфаатпарастларнинг хурмача қилиқларини замон кўтармайди энди. Мамлакатимиз Президенти олиб бораётган халқчил сиёсатни англамаган, халқ дардини ўз қисмати билан боғламаган, Эътиқодсиз кимсалар барибир қилмишига яраша ўз улушларини олишлари муқаррардир. Қинғир йўллар билан бойишга муккасидан кетган айрим нусхаларнинг халқ ичида шарманда-шармисор бўлиши табиий. Чунки Эътиқод йўқ уларда. Эътиқодсиздир улар. Уларнинг фожиаси, бахтсизлиги ҳам шунда. Йўқса, инсон боласи ҳеч қачон халқдан айрилиб қолмасди.

Бугун шу эл, шу Ватан, шу тупроқ учун куйиб, ёниб яшаётган замондошларимиз қалбида Эътиқод улкан чинор янглиғ илдиз отмоқда. Ҳали шу туйғу йиллар оша янада шаклланади, юксакларга бўй чўзади. Ватан эса обод бўлиб бораверади. Инсондан ҳамма нарсани олиш мумкин, бироқ бир нарсани олиб бўлмайди. Бу — Эътиқод. Чунки у юракда бўлади. Инсон тирик экан, нафас олар экан, ботинини Эътиқод ҳеч қачон тарк этмайди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марҳамат туманидаги электротехника ҳиссадорлик жамиятида ҳар йили 100 миллион сўмдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Бу рақамлар билан танишган кишида ўринли совол туғилиши мумкин: ҳиссадорлик жамияти ўз кўрсаткичларини бундан ҳам оширши мумкинми? Мумкин. Фақат бу борада бир нарсага эътибор бериш лозим. Айтайлик, айни кунда ҳиссадорлик жамияти хомашёнинг асосий қисмини хорижий давлатлардан харид қилмоқда. Бунга чек қўйса бўлади. Бунинг учун мамлакатимиздаги Олмалиқ тоғ-кон металлургия заводи ва Тошкент кабел ишлаб чиқариш заводлари мазкур ҳиссадорлик жамиятининг хомашё билан таъминланишида ҳамкорлик қилишлари лозим. Ана шунда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортади, унинг таннархи ҳам кескин пасаяди.

СУРАТДА: бошқарув раиси Ихволиддин Қорабоев ишчи Дониҳон Алиева, Шарифахон Фозиловалар билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши ўтказилиши олдидан

МАЪНАВИЯТ ҲАММА НАРСАДАН УЛУҒ

Инсоният ирқи, миллати, маслагидан қатъий назар доимо аждодлари қолдирган маданий бойликлар, қадриятлар, урф-одатларига бўлган ҳурмат билан қараб келган. Уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодга ҳам бешикаст етказиш учун қайғурган. Бироқ бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувликни қарор топтириш, тараққиёт мевалари бўлмиш маданий мерос, осори атиқалар, урф-одатларни асраб-авайлаш, дунё халқларига маърифат улашиш, улар илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур. БМТ қошида ташкил топган ЮНЕСКО ташкилотининг ўз олдига қўйган эзгу мақсади ҳам ана шу — инсониятнинг маънавий қадриятларини асраш ва уларни келгуси авлодга етказиш.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ жаҳоннинг кўпгина нуфузли ташкилотлари қатори ЮНЕСКОга ҳам аъзо бўлганининг ўзиёқ Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда нафақат иқтисодиётни, балки ижтимоий ва маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасидаги ислоҳотлар тўғри йўлдан бораётганига далилдир. Диёримиз эса жаҳон тараққиётида муҳим ўрин тутган, бугунги кунда инсоният томонидан эъзозланаётган қадриятларга, маданий меросга бой ўлкалардан ҳисобланади. Шу боис ҳам ЮНЕСКО Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қарайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз ҳаётида алоҳида маъно касб эта бошлади. ЮНЕСКО ҳомийлигида юртимизда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги, буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ўтказилиши, қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналари дунё миқёсида нишонланиши, Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари, улардаги қатор меъморий обидалар ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилиши халқимиз ифтихорини янада оширди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг умумжаҳон миқёсида амалга ошираётган тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия фаолият кўрсатаётир. Комиссия идораларо орган бўлиб, унинг таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасида фаолият кўрсатувчи вазирликлар, идоралар, илмий, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кирган.

1996 йил ЮНЕСКО ҳомийлигида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг айнан Самарқандда очилиши ҳам минтақамиз халқлари ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Ўшанда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг ўзи институт очилишида иштирок этиб, Президентимизнинг мамлакатимиз тарихига, маданий меросига катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаганди. Унинг юртимиз тарихий обидалари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига "Инсоният цивилизациясининг бешиклари" дея таъриф бериши бу кўҳна юртнинг инсоният тараққиёти учун нақадар катта улуш қўшганини эътироф этишдир.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётганига яна бир ёрқин мисол. Шу йил 6 ноябрь куни ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясини якуний йиғилиши мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказилади. Мазкур сессияга ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ҳамда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги нуфузли делегация Париждан ташриф буюради. Сессия ўтказилиши билан бир қаторда ЮНЕСКО иштирокида қатор тадбирлар, жумладан, Тошкент Давлат университетида Мирзо Улуғбек номидаги физика ва астрономия бўйича ЮНЕСКО кафедрасининг очилиши, Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг академия кенгаши сессиясининг ўтказилиши, делегация аъзоларининг қадимий Бухорога ташрифи у ерда ўтказиладиган тантанали маросим ва бошқа кўплаб тадбирлар кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганига нафақат юртимизнинг маънавий қадриятларга бойлиги, балки мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг ижобий натижалари бераётгани, мамлакатимиз ҳар жиҳатдан барқарор юксалиб, пировард натижада эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётгани ҳам сабаблир.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Жиззах вилоятидаги «Пластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бунга сабаб шуки, бу ерда бозор иқтисодиётининг муҳим талаби — сифатга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозир корхонада 60 турдан ортиқ турли рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг ҳар бир вилоятда махсус пунктлари бор. Шунинг учун ҳам маҳсулотлар омборларда туриб қолмаётир.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Мавжудахон Каримова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

НЕГА ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛДИ?

Республика Прокуратураси идоралари томонидан қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази, «Вақт» миллий депозитарийси ва «Тошкент» республика фонд биржаси ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари фаолиятида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази (М. Юнусматов), «Вақт» миллий депозитарийси (В. Лозицкий) ва «Тошкент» республика фонд биржаси (Р. Раҳимжонов) ҳамда уларнинг ҳудудий идоралари ходимлари қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажармаганлар.

Шу йил 1 август ҳолатига Марказ томонидан республика бўйича эмиссия миқдори 212 миллиард сўм бўлган 5170 та акциядорлик жамияти ҳисобга олинган. «Вақт»да эса Марказдагидан 70 та ортиқ акциядорлик жамиятлари қайд этилган. Марказ томонидан давлат рўйхатига олинган 37 та акциядорлик жамиятлари «Вақт» миллий депозитарийсининг электрон ҳисобига киритилмаган.

Сирдарё вилоятида 22 та, Наманган вилоятида 9 та, Тошкент вилоятида 5 та, Сурхондарё вилоятида 4 та ва вилоятлардаги бир қанча акциядорлик жамиятлари тугатилган ёки бошқа мулк шаклига асосланган хўжалик субъектлари сифатида фаолият кўрсатаётганликларига қарамасдан, уларнинг акциялари бекор қилинмаган. Депо счётлари ўз вақтида ёпилмаган ва давлат реестридан чиқарилмаган. Бу эса ушбу идораларда республикадаги акциядорлик жамиятларининг аниқ сони мавжуд эмаслиги ва бу борада кўпол қонунбузиш ҳолларига йўл қўйилаётганлигидан далолат беради.

«Вақт»да рўйхатга олинган 52,4 миллион дона нақд кўринишдаги акциядан 27 миллион донаси чиқарилмаган, натижада 4 миллиард сўмдан ортиқ нақд кўринишдаги акциялар умуман сотувга қўйилмаган.

139 та акциядорлик жамияти томонидан 1,7 миллион дона давлат улуши ҳисобланган акциялар «Вақт» миллий депозитарийсига қайтарилмаган.

Бундан ташқари, депозитарий томонидан нақд кўринишдаги акциялар тайёрлаб бериш борасида 1997 йилда тузилган 546,5 минг дона акция чиқариш ҳақидаги 87 та шартнома бир томонлама бекор қилинган, 71 та шартнома бўйича мажбуриятлар умуман бажарилмаган.

Қашқадарё вилоят депозитарийси мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига эътиборсизлиги оқибатида «Тўқбойсавдо», «Эл-ҳақи», «Ғузор савдо маркази», «Ойдин», «Чироқчи туман савдо» ва «Маданий моллар» акциядорлик жамиятларининг меҳнат жамоаси аъзолари улуши бўлган 53 минг дона акцияси бир йилдан ортиқроқ депозитарий сейфида қолиб кетган. Худди шундай қонунбузарликларга Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги Фармони талаблари асосида акциядорлик жамиятлари акцияларининг 4 та пакетга қайта тақсимланиши натижасида ташкил топган 56 миллиард сўмлик акцияларни жойлаштириш ва сотиш пайсалга солиб келинмоқда. Ушбу ресурсдан атиги 1176 миллион сўмлик ёки 2,1 фоизи, жумладан чет эл сармоядорлар улушининг 159 миллион сўм ёки 0,5 фоизи, эркин савдога мўлжалланган акцияларнинг 818 миллион сўмлиги ёки 4,7 фоизи, турдош ва юқори ташкилотларга мўлжалланган акцияларнинг 200 миллион сўмлиги ёки 8,7 фоизи сотилган, холос.

Корхоналарнинг айланма маблағлари ҳисобидан жамоа аъзолари улуши, эркин савдо ва давлат улушига тегишли акцияларни сотиб олиб, текин жойлаштириш ёки умуман жойлаштирмаслик ҳолатлари Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кенг тарқалганлигига қарамасдан, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилмаган.

Текшириш жараёнида Сирдарё вилоятидаги «Гулистон пойабзали», «45-сон автокорхонаси», Тошкент вилоятидаги «Янги-Тошкент консерва», Қашқадарё вилоятидаги «Нишон-132», Самарқанд вилоятидаги «17-автокорхона», «Пастдарғом дори-дармон», «Агрокимётаъминот», «Самкимёнаклиётхизмат» акциядорлик жамиятлари фаолиятида йўл қўйилган ушбу тоифадаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Фонд бозорида ноқонуний тартибда битимлар тузиш, дивидендларни, акция ва бошқа қимматли қоғозларни ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва улар юзасидан чора кўриш, акциядорлик жамиятларида қолдириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва унинг назорати механизмлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган.

«Вақт» миллий депозитарийси томонидан 1994 йилда давлат улушидаги акцияларига жами 31 минг сўм кам дивиденд тўланган ҳолда, акциядор бўлмаган тўрт фуқаро ва «Рикко» акциядорлик жамиятига 25 минг сўм дивиденд тўланган. 1995 йил якуни билан эса давлат улушидаги акцияларга 1 миллион сўм кўп, жисмоний шахс бўлган акциядорларга 309 минг сўм кам, акциядор бўлмаган 23 нафар мансабдор шахслар ва «Ўзинвестсервис» корхонасига ноқонуний равишда 2,5 миллион сўм дивиденд берилган.

«Вақт» раҳбариятининг ўз хизмат вазифасига эътиборсизлиги оқибатида, 323 миллион сўмлик акциялар ўз эгасига етиб бормасдан, депозитарийнинг «сотилган, лекин тўланмаган» ҳисоб рақамида туриб қолган. Унинг муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорлиги 757 миллион сўм бўлган ҳолда ушбу қарзларни ундириб олиш борасида амалий чоралар кўрилмаган. Бундан ташқари, икки ярим йил мобайнида 19 миллион сўмлик асосий воситалар асоссиз равишда баланс нархида чиқим қилинган.

1995-1998 йиллар давомида тузилган, лекин бажарилиши таъмин этилмаган 948 миллион сўмлик 634 та шартнома қонунга зид ҳолда бир томонлама бекор қилинганини ҳам таъкидлаш лозим.

Бир қатор акциядорлик жамиятлари акцияларининг номинал қийматидан паст нархларда сотилиши ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилган.

«Кумуш» акциядорлик жамиятининг жами номинал қиймати 11,5 миллион сўмлик акциялари «Анкард» масъулияти чекланган жамиятга атиги 1,5 миллион сўмга, «Оби-Ҳаёт» акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 11 миллион сўмлик акциялари эса «Мирзо-Бобо» масъулияти чекланган жамиятига 10 миллион сўм кам нархланиб, 1,2 миллион сўмга сотиб юборилибди.

Тошкент шаҳридаги «Кундуз», Навоий вилояти Конимех туманидаги «Дори-дармон» ва Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон бордорчилик-узумчилик машинасозлик заводи» акциядорлик жамиятлари акцияларини сотишда ҳам суиистеъмолликлар аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида акциядорлик жамиятларига 853 та амрнома берилиб, 66 миллион сўмлик иқтисодий чоралар қўлланилган. Шундан 270 та амрнома бажарилмаган, қўлланилган иқтисодий чора бўйича 40 миллион сўмлик жарималарни давлат бюджетига ундириб олиниши таъминланмаган.

Республикада фаолият кўрсатаётган беш мингдан ортиқ акциядорлик жамиятларининг тўртдан уч қисмида фонд бозоридаги иштирокининг қонунийлиги ўрганилмаганлигини қандай тушуниш мумкин.

Ушбу йўналишда республика прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича фонд бозори институти қатнашчиларини қонунга зид бўлган 112 та қарор ва буйруқлари протест келтириш йўли билан бекор қилинди. Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида 400 та тақдимнома киритилган. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга қаратилган қонунлар талабларини бузганлик учун 364 нафар мансабдор шахс интизомий, 164 ходим маъмурий ва 96 шахсга моддий жавобгарлик чоралари қўлланилган, 619 киши қонунбузилишига йўл қўймаслиги ҳақида расмий равишда огоҳлантирилган.

Акциядорлар ва давлат манфаатига етказилган 731 минг сўмлик зарар айбдорлар ҳисобидан ихтиёрий равишда ундириб олинди. Ушбу масала бўйича судларга 26 та даъво аризаси киритилган, 19 та жиноят ишлари қўзғатилиб тергов ўтказилмоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш борасида қилиниши лозим бўлган юмушлар ҳали кўп. Демак, бу борадаги назоратни бўшаштирмаслик лозим.

М. НИЯЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бошқармаси прокурори, адлия маслаҳатчиси.

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

Қўқондаги 2-касб-ҳунар мактабининг ёш ҳунармандлари харидоргир маҳсулот тайёрлашни ўрганиб олдилар. Улар устозлари кўмагида болалар учун икки қаватли кроватлар тайёрлашга киришдилар. Бу маҳсулот ўзининг бежиримлилиги, сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлди. Унинг дастлабки туркуми Данғара туманидаги иқтидорли болалар гимназиясига жўнатилди.

Р. КАМОЛОВ.
ЎзА мухбири.

ЕР ҲАЙДАСАНГ КУЗ ҲАЙДА

Пахтакор туманидаги "Пахтакор" хўжалигида кузги шудгорни ўз вақтида ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев олиб борди.

Кенгашда келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишнинг бу муҳим агротехник тадбирини сифатли амалга оширишда техникадан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Жумладан, бу борада "Магнум" трактори ғоят кўл келишига эътибор қаратилди. Семинар қатнашчилари мазкур тракторга турли русумдаги плугларни тиркаб ишлатиш тажрибаси билан танишдилар.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири.

ЗАРБДОРЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Зарбдор туманидаги "Бахт" ижара ширкатлар бирлашмасининг марказий қўрғонидаги хонадонларга газ келди. Бу ишни "Жиззахчўлқурилиш" бирлашмасига қарашли 12-кўчма жамлама жамоаси қисқа муддатда амалга оширди.

(ЎзА)

НУРОБОДЛИК ЧОРВАДОР

Рустам Қозоқов нурободлик илғор чорвадорлар сирасига киради. У бир неча йилдан буён тумандаги Амир Темур номли ижара хўжалигининг сут-товар фермасида меҳнат қилади. Рустам ўз касб сирларини пухта эгаллагани, сидқидилдан меҳнат қилгани боис ҳам жамоада ўз ўрни бор.

СУРАТДА: илғор чорвадор Рустам ҚОЗОҚОВ.
В. ПОРТНОВ олган сурат.

ЎЗБЕККА ДОНОЛИК ЯРАШАДИ

Бу муаммо жамоатчиликни бугун ташвишга сола бошлагани йўқ. Аввалари ҳам аҳён-аҳёнда матбуотда бирон куйдипишди одамнинг мақоласи чиқиб қолар, у йиғилиб қолган дардларини тўкиб солар, қуюшқондан чиқиб кетганларни инсофга чақирар, беш-олти одам уни қувватлаган бўлар, кейин эса... гўё уларни калака қилгандек, чилдирмаларнинг бака-банги, ноғораларнинг така-туми, карнайларнинг ғат-ғати янада баланд пардаларда давом этаверарди. Хориждан келиб, бунақа ишларни биринчи марта кўраётган одамлар ёқа ушлаб, хайрон бўлишлари турган гап: «Ёпирай! Биз ўзбекларни тарихи бой, дунёга ўнлаб буюк алломалар, саркардалар, санъаткорлар берган, зукко халқ деб эшитар эдик; бу дабдабаю асъасалар ақлга сиғмайди-ку! Бугун дунёнинг қайси бурчагида ким пешона тери билан топган бойлигини бир кунда шунчалик совуради? Ким ном чиқарарга дастадаста пулини ерга сочади? Тўй баҳона бундай ичкиликбозликлар, беқиёс ошхўрликлар қаерда бор? Нима бало, инсон қадрини ошга солинган гурунчнинг миқдори-ю, чарларга қилинган тоғораларнинг сони билан ўлчайсизларми?» Биз эса бу ўринли саволларга нима деб жавоб беришни билмай, мулзам бўлиб, мум тишлаб ўтираверардик. Аҳвол шу даражага бориб етдики, охироқибатда Президентнинг ўзи бу ишга шахсан аралашишга мажбур бўлди. Куни кечаги Фармон жуда вақтида чиқди. У бутун халқ томонидан мамнуният билан кутиб олинди ва ҳар томонлама маъқулланяпти. Шунинг ўзи унинг одамларнинг дилидаги дардларга жуда ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Фармонни ўқиб беихтиёр ўйга толасан, киши. Хўш, соғлом ақл доирасига сиғмайдиган, ҳар қандай инсоний мантиққа хилоф бу ишлар бизга қаердан ёпишди? Ахир, ўзбеклар мутлақо бунақа эмас эди-ку? Мен етмишга кирдим. Етмиш йил умр кўрган ҳар бир одам сингари турмушнинг анчамунча паст-баландлари бошимдан ўтди, бир неча марта тўй қилдим, маъракалар ўтказдим. Лекин тўю-маъракалар борасида сўнгги йилларда бўлаётганидек бемаъниликларни сира кўрганим йўқ. Мен 21 ёшимда уйланганман. Ўшанда бўлғуси умр йўлдошим билан Бешёғочдаги ЗАГСда рўйхатдан ўтганмиз. Буни қарангки, ушбу маросимга бор-йўғи тўрт киши — келин бир дугонасию, мен бир дўстим билан қатнашганмиз. ЗАГСдан кейин тушлик қилдик, сўнг келин билан дугонасини бир машина кира қилиб уйига жўнатдик. Орадан икки кун ўтгач, тўй бўлди — бир ҳовли қариндош-уруғлар ва ёру-дўстлар куёв билан келиннинг қувончини баҳам кўришди. Шундан бери, салкам эллик йил ўтди. Худога шукур, учта фарзандлик бўлдик, невара-чевара кўрдик, эл қатори яшаб келаяпмиз — унақа битиб ҳам кетганимиз йўқ, жуда ночор аҳволга тушиб қолганимиз ҳам йўқ. Энг муҳими, элюртда ўзимизга яраша обрў-иззатимиз бор, ҳаётимиздан, фарзандлардан мамнунмиз. Мен бу ҳақда гапираётган эканман, ўзимни ибрат қилиб кўрсатмоқчи ёхуд элбўлар экан-ку? Шундоқ экан, яна ва яна ўша савол туғилади — бунақа исрофгарчиликлар, бемаъни кучанишлар қаердан келиб қолди? Уларни туғдирган сабаблар қанақа? Уларнинг илдизи қаерга бориб тақалади? Менимча, масаланинг энг муҳим томони ҳам шунда ва Президентнинг Фармонида ана шу муҳим томонга ҳам алоҳида урғу берилган. Бу масалани равшанроқ тасаввур қилмоқ учун аввал бошқа бир саволни қўймоқ керак. Ҳозир бугунги кунда дабдабали тўйларни кимлар қилаяпти?

Албатта, маошига ти арикчилик қиладиган оддий одамлар тонналаб гурунч дамлаб ош беролмайди, кўчаларни тўсиб қўйиб ёхуд манманлик деб атаса бўлади. Анча-мунча амалдорлар ўз мансабларини нега эгаллаб турганларини тушунмайдилар ёхуд тушунишни истамайдилар. Бир замонлар ҳар қандай амалдор халқ хизматкори деб ҳисобланарди. Ҳозирги айрим амалдорлар буни ўзгартириб, «халқ-хизматкор» деб қабул қилишади, шекилли. Улар ўз вазифаларини одамларга «доно маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб туришдан иборат», деб ўйлайдилар. Улар юксак рутбаларни ҳам ўзларига берилган инъом деб биладилар ва вақт ғаниматда ундан фойдаланиб, давлатларига давлат қўшиш пайига тушиб қолишади. Албатта, амалдорлар орасида менинг ҳам Яна ҳаммамизнинг қонимизга сингган иллатлардан бири — хўжасизлик, ҳамма нарсани «давлатники» деб қараш ва шунга мувофиқ буюмларнинг, мулкнинг, бойликнинг қадрига етмаслик касалидир. Бу касал оқибатида кўз ўнгимизда қанчадан-қанча нарса исроф бўлса, куйиб кул бўлса, «менга нима, меники эмас-ку» деб томошабин бўлаверамиз, кимлардир эса бизнинг лоқайдлигимиздан фойдаланиб, халқ мулкини, халқ бойлигини совураверади.

Мисол айтай: мен Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасининг яқинида тураман. Баъзан-баъзан шу кўчада кўз етгунча масофадаги электр чироқлари, кун бўйи ўчирилмайди. Мен ўчириб қўяй десам устунлар баланд, ўчирадиган мурвати қаердалигини билмайман. Лампочка билан бирга мен ҳам ёнаман. Бироқ электр қувватининг нархини йил сайин аямай ошириб ётган мутасаддиларнинг бунга парвойи палак.

Бугунги кунда, яъни ўтиш даврида, ҳали иқтисодиётимиз муайян қийинчиликларни бошидан кечираётган бир шароитда маблағларни осмонга совуриш ҳоллари ҳали ҳам учраб туради. Давлат ташкилотларики, ҳеч нарсадан тап тортмай ҳар хил исрофгарчиликларга йўл қўяр экан, бир амалдор беҳисоб ҳаром пулларнинг эгаси бўлатуриб, ном чиқариш учун, шуҳрат қозониш учун сал каттароқ тўй қилишдан тап тортмайди-да.

Президент Фармонини чин юракдан маъқуллаган ҳолда, бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдим. Бу Фармонни тўю-маъракаларни таъқиқловчи ҳужжат деб қабул қилмаслик керак. Тўю-маърака қадимдан мавжуд бўлиб келган, ҳозир ҳам яшаётган ва бундан кейин ҳам мавжуд бўладиган ҳодисадир. Фақат бу ишларни элу юрт билан бамаслаҳат, дабдаба-ю ҳашамга берилмасдан, пойгага айлантирмасдан, меъёрида қилиш керак. Еб ичишу яхши кийиб, яхши яшаш инсон ҳаётининг маъноси бўла олмайди. Инсонни инсон қилувчи, уни улуғ кимсага айлантирувчи — хайр-саховат, яхшилик, олижаноблик деган нарса бор. Биз инсоф, диёнат ва адолат асосида янги жамият қураётган эканмиз, ҳамма нарсамиз — ташқи қиёфамиз ҳам, маънавий дунёмиз ҳам, расм-русумларимиз ҳам гўзал бўлсин. Чунки ўзбекка донолик яраша-ди!

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

Юртимизнинг барча туманларида пахта ҳосилини йиғиб олиш мавсуми қизғин бормоқда. Улкан пахта тоғлари мисқоллардан йиғилиб, қад ростлайди. Бунда эса Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳам муносиб улуши бўлади. Улар бу йил мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олишмоқчи. Режа бажариладиган кунлар эса жуда яқин.

Суратларда: хўжалик далаларида.
А.МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.

ДОВОНДАН ОШГАН ОДАМЛАР

Боёвут туманидаги «Тараққиёт» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини бажаришди.

Ушбу хўжалик пахтакорлари вилоятдаги энг ақил, энг тажрибали деҳқонлардан иборат. Мана бир неча йилдирки, тараққиётчилар вилоятда пешқадамликни бировга бермай келишаяпти. Улар давлатга пилла, дон, полиз, сабзавот маҳсулотлари сотиш режаларини биринчи бўлиб бажаришмоқда. Ширкатлар уюшмаси раиси Маҳкам Шокировнинг эътирофича хўжаликдаги ёшу кекса, зиёлилар, умуман, барча-барча кишилар далада етиштирилган ноз-неъматдан ҳамиша баҳраманд бўлишади. Кишилар бунга жавобан хўжалик далаларида ишга бирдек ёпишади. Ер тайёрлаш, экин-тикин ишлари, ҳосил терими уюшқоқлик билан олиб борилади. Ўз навбатида буғдой, полиз, сабзавот ва бошқа ноз-неъматлар қишлоқ аҳлининг меҳнатига, умумий хирмонга қўшган ҳиссасига яраша тақсимлаб борилади. Бу ҳолни мўъжаз демократия десак хато қилмаймиз. Лафзи ҳалол деҳқонлар яшайдиган қишлоқ ниҳоятда гўзал. Бу ердаги шифохона, замонавий мактаблар, савдо дўконлари, дала шийпонлари, кичик корхоналар, клуб ва маданият уйи, кенг ва равон йўллар қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Буларнинг барчаси самарали меҳнат меваларидир.

Уюшма бу йил 650 гектар пахта майдонидан 1700 тонна «оқ олтин» етиштирди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. 580 гектар галлазорлардан эса 40 центнердан ҳосил кўтарилди.

Хўжалик пахтакорлари ялпи хирмонни 2000 тоннадан ошириш, ҳосилдорликни эса 35 центнерга етказиш учун бугунги кунда ҳам 1-1,5 фоиз миқдорида пахта тайёрланшмоқда. А. Жўраев, К. Усмонов, Ж. Шокиров кабилар етакчилик қилаётган ширкатлар эса ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга аҳд қилишган.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ҚАДРЛИ

Республикамизда пахта тайёрлаш йиллик режасини бажараётган хўжаликлар сони тобора ортиб бормоқда. Давлат қабул пунктларига 1600 тонна сифатли хомашё топширган «Озод» жамоа хўжалиги деҳқонлари Оққўрғон тумани хўжаликлари орасида илғорлар қаторидан ўрин олди.

Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» ижара-ширкатлар бирлашмаси пахтакорлари айни кунгача 4750 тонна чўл дурдонаси топширдилар.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги Бешариқ туманидаги илғор жамоалар сирасига киради. Масумда қирқ центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилаётган ушбу жамоа бу йил 2200 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик режани шараф билан уддаладилар. Айни дамларда хўжаликларда йиғим-терим ишлари авжида.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Халқ сўзи"га жавоб берадилар

"УМРЛАРИ УЗОҚ БЎЛСИН, ЛЕКИН..."

"Мамлакат опа Мирзаҳошимова бу йил роса 70 ёшга кирди... Иссиқ жон экан-да уч ойдан бери опанинг тоблари қочиб, ётиб қолди. Юролмаганликлари сабабли пенсияни олиб келишга кенжа қизларини юбордилар. Кенжатой Чилонзорнинг 19-мавзесидаги 156-почтахонага борса... онасининг исм-фамилияси аллақачон рўйхатдан ўчириб юборилган экан. Эмишки, Мамлакат опа..."

Ушбу сатрлар газетанинг шу йил 16-октябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақоладан олинди. Яқинда таҳририят мазкур мақолагаЧилонзор тумани ижтимоий таъминот бўлимидан жавоб мактуби олди. Бўлим бошлиғи В. Сайдиеванинг хабар беришича, 19 мавзенинг 1-уй, 57-хонадонида яшовчи М. Мирзаҳошимова июнь ойида юборилган пенсияларини олмаганлар. Почта ходимлари июнь ойи пенсиясини пенсионер йўқ, деб қайтариб юборганлар. Кейинги ойда пенсия юборилганда пенсионер "бу уйда турмайди", деб почта ходимлари тўлов қоғозига белги қўйганлар. Тўлов ходими Е. Карпичева пенсионернинг уйига текширишга борганда қўшниси "уй эгаси бу уйда анчадан бери турмайди, хозир ижарачилар туришибди" деб кўрсатма берган. М. Мирзаҳошимова ушбу масала бўйича ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилганларида тўлов бўлими ходими "агар бу уйда турмасангиз омонат касса орқали пулингизни олинг" деб маслаҳат берган. У киши томонидан ариза ёзилгач, олинмай қолинган пенсия пуллари тўлиқ миқдорда октябрь ойида омонат кассага юборилган.

"КАРВОН — 98» САФАРГА ОТЛАНДИ

Буюк Ипак йўли бўйлаб "Карвон-98" билим экспедицияси Фарғона водийси сафарига отланди. Унинг таркибида мактаб ўқувчилари, олимлар, педагог-ўқитувчилар ва журналистлар бор. Экспедиция сафари "Работи Малик" саёҳатчилар уюшмаси ва "Солнишко" газетаси ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан қўллаб-қувватланган.

Ёш тадқиқотчилар ва мураббийларининг сафар йўли Поп қишлоғидаги археологик музей, Мунчоқтепа қабристони, Қўқондаги Худоёрхон саройи, Риштон кулолчилик ва Маргилон ипакчилик устахоналари, қадимги Қувадаги будда даври археологик қазилмалари, Шаҳрихон темирчилик тизгини сингари кўҳна обидалар орқали ўтади. Болалар Буюк Ипак йўлининг маданий ва тарихий моҳияти ҳақида маърузалар тинглайдилар, олимлар — археологлар, ёзувчилар, маданият арбоблари билан мулоқотларда бўлиб, ўз билимларини бойитадилар. Бу улар учун ўтмишга саёҳат бўлиш билан бирга халқимиз анъаналари ва тарих жумбоқлари билан танишув, ҳамда асрлар силсиласида сақланиб келаётган асори атиқалар сирларини ўрганишга уриниш ҳам бўлади.

Саёҳатга тайёргарлик "Солнишко" газетасининг очиқ осмон остида мактаб очиш ҳақидаги эълони берилган пайт — шу йилнинг март ойида бошланган эди. Ўтган ярим йил ичида саёҳатчилар таркибига уюшган болалар Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақида имкони борича кўпроқ билим олишга ҳаракат қилдилар. Машғулот — ўйинлар шаҳарларнинг истироҳат боғларида ўтди. Олимлар, ўқитувчилар ўз шогирдлари билан кўҳна Афросиёбга, Чимён тоғларига, Оҳангарон дарёси соҳилларига ҳам ташриф буюрдилар. Тарихимизнинг ёш ҳаваскорлари учун мактабдан ташқари уларнинг ўқитувчилари, ўлкашунослик тўгарак раҳбарлари ҳам янги-янги билимлар манбаи бўлишди. Болалар кутубхоналардаги машғулотларда ва музейларга қилган сайҳатлари давомида кўпгина янгиликлардан хабардор бўлдилар.

"Карвон-98" конкурси машғулотлари якуни болалар учун ўзига хос рағбат бўлди. Унда Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ ва Тошкент командалари иштирок этдилар. Голиблар ногирон болаларни согломлаштириш ва ижтимоий кўникма ҳосил қилиш ишлари билан шуғулланувчи жамоатчилик бирлашмаси командаси иштирокчилари тарқибига кирдилар.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ,
ЎзА мухбири.

ОНА ЮРТ БЎЙЛАБ...



САМАРҚАНД

Учрашади бунда
кеча ва бугун,
Сайёҳлар ҳайратда
кезар ҳар наҳор.
Кундан-кун яшариб
бормоқда қаранг,
Дунёга юз очган
мўйсафид шаҳар!

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА)
сурат-лавҳалари.

ИШОНЧ, УМИД ВА ИМКОНИЯТ

Вақт ўтган сайин мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги ҳурмат-обрўси тобора ошиб бормоқда. Бунга албатта жисмоний тарбия ва спортга нисбатан берилаётган жиддий эътибор сабаб бўлмоқда. 1998 йилнинг ўзида Ўзбекистондан юздан ортиқ Осиё, жаҳон чемпионатларининг қатнашчилари, ғолиблари чиқди. Улар орасида барча вилоят вакиллари бор. Шу муносабат билан Жиззах вилоятида енгил атлетика бўйича бош мураббий бўлиб ишлаётган Алишер Толипов билан суҳбатлашдик:

— Алишер ака, Жиззах вилоятида жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътиборни қандай баҳолайсиз?

— Вилоятимизда 1997 йил 27 январь куни «Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг 1997-2000 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида» қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш, мавжуд иншоотларни таъмирлаш, уларни керакли спорт анжомлари билан таъминлаш, спортни ривожлантиришда ҳомий ташкилотларни жалб қилиш, спортчиларни ва қобилиятли мураббийларни тайёрлаш каби муҳим йўналишлар ўз ифодасини топган.

Қарор тез орада ўз ижросини топа бошлади. Вилоятимиз марказидаги ўйингоҳ қайта таъмирланиб, спортчилар учун гўзал, шинам, ихчам спорт масканига айланди. Ўриндиқлар усти мустаҳкам, чиройли металл билан ёпилиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида мусобақаларни томоша қилиш имконияти туғилди.

Кенг оммани жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун «Истиқлол» теннис корти ва барча қулайликларга эга бўлган ёпиқ сув ҳавзаси қуриб ишга туширилди.

— Ўтаётган 1998 йилда жиззахликлар асосан спортнинг қайси турлари бўйича кўпроқ муваффақиятга эришдилар?

— Бизда спортнинг футбол, эркин кураш, бокс, самбо кураши каби турлари ривожланиб бормоқда. Республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда жиззахлик бир қатор спортчилар ижобий натижаларга эришишмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, курашчи Олег Веретильников ўтган йили Алмати шаҳрида бўлиб ўтган II-Марказий Осиё Ўйинларида ғолиб чиқди. Ҳозирги кунларда Олег 1998 йилнинг декабрь ойида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтадиган XIII Осиё Ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Маҳмуд Хаитališев, Ильмира Шарафутдинова, Ан Евгений, Андрей Захаров, Баҳром Куйчиев каби спортчиларимиз республика миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашди.

Вилоятимиз марказида жойлашган олий ва махсус ўқув юртлари, талабалари, мактаб ўқувчилари, корхона ва ташкилотлар ишчи - хизматчилари енгил атлетикани жуда севишади. Мамлакатимиз мустақиллиги, Наврўз, ғалаба байрамларига атаб ўтказиладиган оммавий югуриш мусобақаларида икки мингдан зиёд ҳаваскор спортчилар иштирок этишди. Бундай мусобақаларни Жиззах шаҳар спорт қўмитаси, Касаба уюшмалари, «Ўзбекистон» спорт жамияти вилоят кенгаши, электр тармоқлари корхонаси биргаликда ўтказишмоқда. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ёш енгил атлетикачиларимизга ғамхўрлик қилишмоқда. Улар ҳар йили 30 та ёш спортчига энг яхши оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши учун бепул йўлланмаларни тарқатмоқда.

— Умуман олганда вилоятда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мавжуд шарт-шароитдан, имкониятдан тўлиқ фойдаланилмоқда дейиш мумкинми?

— Вилоятимиз ҳокими ўз қарорларида болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларидан бирини спортчиларнинг машғулот ўтказиши ҳамда дам олиши учун махсус спорт оромгоҳига айлантириш масаласини қўйган. Бу ҳам яхши тадбир албатта.

Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал туманлари ҳақида кимлар эшитмаган дейсиз... Гўзал табиати, мусаффо ҳавоси билан дунёга машҳур бу туманларнинг бирида мамлакатимиз миқёсидаги, ҳаттоки, халқаро даражадаги спорт мажмуаси ташкил этилса нур устига аъло нур бўларди. Маълумки, Россия,Украина, Белоруссия, қозоғистонлик спортчилар март, апрель, май ойларида мамлакатимизнинг турли шаҳарларига машғулотлар ўтказиш учун ташриф буюришади. Чунки диёримиздаги об-ҳаво шароити улар учун қўл келади. Агар вилоятимиз ҳудудида юқорида айтганимиздек иншоот барпо этилса, бу ўзимизникилар учун ҳам, хорижликлар учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Албатта, бундай улкан қурилиш ҳозирги шароитда катта маблағ талаб этади. Бироқ қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган гап бор. Муҳими фикрни, имконият ва тажрибани ўз вақтида керакли жойга сарфлай билсак ҳар бир ишни эплашимиз мумкин.

«Халқ сўзи» мухбири
Нормурод МУСОМОВ
суҳбатлашди.

Суратда: Алишер Толипов шогирдлари даврасида.

В. ПОРТНОВ
олган сурат.

ҚИШЛОҚДА ТИББИЁТ МАСКАНИ

Хатирчи туманидаги "Зарафшон" жамоа хўжалиги аҳолиси саломатлигини яхшилаш учун қулай имконият яратилди. Бу ерда қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни Навоий вилоят жамоа қурилишига қарашди "Обод" ҳиссадорлик жамияти бинокорлари қуриб берди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги шифохонада беморларга малакали врачлар хизмат кўрсата бошлади.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Француз киноси фестивали

Республика киночилар уйида Франция киноси фестивали ўтказилмоқда. "Ўзбеккино" давлат акциядорлик компанияси Франция элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирган бу тадбир "Замонавий француз киносининг буюк актрисалари" деб номланган. Унда машҳур француз киносанъаткорлари Изабель Аджани, Анни Жирардо, Изабель Юппер, Катрин Денёв иштирок этган "Қиролича Марго", "Сўнгги метро", "Батист хоним", "Севги комедияси" каби бадиий фильмлар намойиш этилмоқда.

Фестиваль очилишида Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар қатнашди.

САНЪАТ

Марокли кўргазма

Ҳиндистон элчихонаси маданият марказида Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, рангтасвирчи рассом Акмал Жамоловнинг шахсий кўргазмаси очилди. Бу ерда муаллифнинг йигирмага яқин сара асари намойиш этилмоқда. Мўйқалам устаси манзарачи рассом, академик Ўрол Тансиқбоев йўлидан бораётгани боис унинг ижодида мамлакатимиз гўзал табиатини тараннум этиш асосий ўринни эгаллайди. Унинг шу мавзудаги асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

(ЎзА)

Ажаб ҳангомалар

Сўнгги йилларда кинотеатрларга томошабинларнинг ташрифи кескин камайгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг бир томони телекўрсатувларнинг қизиқарлиги, видеоларнинг оммалашганлиги билан ҳам изоҳланади. Лекин сабаб фақат шунинг ўзими?

БАҲРАМАНДЛИК ЎРНИГА АСАББУЗАРЛИКМИ?

Ўтган якшанба Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» фильмини кўриш учун ўғлим билан Санъат саройига қадам ранжида қилгандик. Режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг ушбу фильми ҳақида жуда кўп яхши фикрларни эшитиб, катта иштиёқ билан борган эдик. Лекин...

Дастлабки кунлар томошабинлар у қадар кўп бўлмагани учун фильм кичик залда намойиш қилинади, деб айтишди. Лекин таажжублар бўлсинки, фильмнинг фақат бир серияси, шўролар даври тасвирланган қисми намойиш этилди. Биз бундан норози бўлиб маъмуриятга кириб арз-додимизни айтмоқчи эдик, ҳеч ким йўқ экан. Ўша кунги қоровуллар исми-шарифини айтишдан бош тортди.

Эмишки, директор фильмнинг фақат иккинчи сериясини намойиш қилишни тайинлаган эмиш. Тўғри, залда ўндан ортиқ киши бор эди, холос. Лекин биз 200 сўмга билет олганмиз. Фильмни кўриб, дам олиш учун келгандик. Бунинг ўрнига асаббузарлик бўлди.

Томошабинга муносабат шу бўлгандан кейин кинотеатрни одамлар ҳавас қилармиди?!

Қўрғонбой БЎРОНОВ,
профессор.

ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотига кўра, 6 ноябрда Ўзбекистонда ҳаво кам булутли бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди.

Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 14-19 даража илиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 5-10, кундузи 20-25, Навоий вилоятининг шимолида кечаси 0-5, кундузи 14-19 даража илиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кечаси 3-8, кундузи 19-23 даража илиқ бўлади. Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража илиқ бўлади. Фарғона водийсида кечаси 3-8, кундузи эса 18-23 даража илиқ бўлади.

Тошкентда кечаси 6-8, кундузи 21-23 даража илиқ бўлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг Хоразм вилояти Питнак шаҳри Ҳазорасп кўчаси, 36-бинода жойлашган Дўстлик филиали

ТУГАТИЛАДИ.

Эътирозлар газетада эълон қилинган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Урганч шаҳри, Баҳодирхон кўчаси, 183
«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Хоразм филиали
тел: 6-10-16, 6-92-85.

ED/1147

РАДИОЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАР ВА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ МОСЛАМАЛАРГА ЭГА ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ , ЧЕТ ЭЛ ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

МАЪЛУМОТИНГИЗ УЧУН ХАБАР БЕРАМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998.10.07 даги 293 сонли «Частота спектридан фойдаланиш, маълумот узатиш ва телерадиодастурларни тарқатиш самарасини ошириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»га қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги 1998.01.08.дан бошлаб радиодиққат ва жисмоний шахслар фойдаланишидаги радиоэлектрон воситаларни ва юқоричастотали мосламаларни рўйхатдан ўтказиш (такроран рўйхатдан ўтказиш) тадбирини амалга оширмоқда.

1999 йилнинг 1 январи муддатигача рўйхатдан ўтмаган (такроран рўйхатдан ўтмаган) радиоэлектрон восита ва юқоричастотали мосламалар эгаларига нисбатан, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий таъсир чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон воситалар деб, радиотўлқинларни узатишга ёки қабул этишга мосланган (турли хил ва мақсадли радиостанция, радиоузайтиргич, радиотелефон, телекўрсатиш ва радиоэшиттириш узатгичлари, радиореле станциялари, ретрансляторлар ва ҳоказолар) тушунилади. Уй-рўзғор радиоэлектрон воситалари бу ҳисобга кирмайди.

Юқоричастотали мосламалар деб, саноатда, илмий ва тиббий мақсадда қўлланиладиган, радиочастота энергиясини генерация этиш ёки маҳаллий фойдаланиш учун ҳосил қилишга мўлжалланган, частотаси 9 кГц дан юқори, қуввати 5Вт қувватдан паст қувватга эга бўлган маиший ва тиббий мақсадларга мўлжалланган мосламалар бу ҳисобга кирмайди.

Радиоэлектрон воситаларни ва юқоричастотали мосламаларни рўйхатдан ўтказиш (такроран рўйхатдан ўтказиш) учун ҳужжатлар вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси Электромагнит мослашув хизматларида ва Электромагнит мослашув марказида қабул этилмоқда.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАР МАНЗИЛЛАРИ:

1. Электромагнит мослашув маркази Тошкент ш. Амир Темур кўч., 117., Тел.: 137-63-74, 137-63-67, 137-63-72.
2. Андижон вилояти электромагнит мослашув хизмати: Андижон ш., Чўлпон кўч., 5 уй, 49 хонадон. Тел.: 5-66-50, 5-08-79.
3. Бухоро вилояти электромагнит мослашув хизмати: Бухоро ш. Академик И.Мўминов кўч., 2. Тел.: 23-95-58.
4. Жиззах вилояти электромагнит мослашув хизмати: Жиззах ш.,Шароф Рашидов шоҳ кўчаси,«Алоқа уйи». Тел.: 3-35-32, 3-53-63.
5. Қорақалпоғистон Республикаси электромагнит мослашув хизмати: Нукус ш., Е.Алаков кўчаси, АМТС биноси,6 қават.
6. Қашқадарё вилояти электромагнит мослашув хизмати: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 294-б. Тел.: 5-22-96, 5-36-79.
7. Наманган вилояти электромагнит мослашув хизмати: Наманган ш., Марғилон кўч., 8-а уй, 2 корпус. Тел.: 6-20-30.
8. Навоий вилояти электромагнит мослашув хизмати: Навоий ш., Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 77-а. Тел: 3-91-10, 5-85-01.
9. Самарқанд вилояти техник радионазорат хизмати: Самарқанд ш., Кўлбоғ пос., радиошаҳарча. Тел: 22-87-45, 31-22-62.
10. Сурхондарё вилояти электромагнит мослашув хизмати: Термиз ш., Гагарин кўч., 32. Тел: 3-16-19, 3-15-47.
11. Сирдарё вилояти электромагнит мослашув хизмати: Гулистон ш., Аҳмад Яссавий кўч., 18. Тел: 25-44-56, 25-42-86.
12. Фарғона вилояти электромагнит мослашув хизмати: Фарғона ш., Навоий кўч.,18. Тел: 26-49-53, 26-73-67.
13. Хоразм вилояти электромагнит мослашув хизмати: Урганч ш., А.Герман кўч., 9 уй, 84 хонадон. Тел: 4-07-45, 6-77-45.



Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Электромагнит мослашув маркази.

832

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик таржима таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари Ҳайдарали Иброҳимовга ўғли

Азамат ИБРОҲИМОВнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки жамоаси Марғилон ҳисоб-кредит техникуми директори

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий реабилитация маркази жамоаси марказ бўлим раҳбари Сергей Иванович Марутянга падари бузруквори

Иван Захарович МАРУТЯНнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Тўрткўл банк коллежи директори

Машарип ОТАБОЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти жамоаси институт қошидаги «Солиқ ўқув маркази» директор муовини, доцент Расулжон Холмирзаев ва унинг оила аъзоларига волидаи муҳтарамалари

Қумри она МАМАТ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0500, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II max компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ф. УСМОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.50
1 2 3 4 5 6